УСТОЗЛАР — ОЗОД ЮРТНИНГ ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ ВА МЎЪТАБАР КИШИЛАРИДАНДИР

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 30 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 74-75 (7071)

ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТ АҲЛИГА

Муҳтарам устозлар! Қадрли мураббийлар!

Сизларни қутлуғ байрам - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Халқимиз сизларнинг мўътабар сиймонгизда миллат келажаги учун толмай хизмат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, Ватани ва халқига фидокор комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидойи инсонларни кўради.

Мен фарзандларимиз Сиз берган билими, Сиз парваришлаган истеъдоди билан янги асрда ҳам Ўзбекистон номини улуғлашларига, бутун имкониятларини буюк аждодлари анъаналарини давом эттириб, устозлари ишончини оқлашларига қатъий ишонаман.

Халқимизда «Устоз - отангдан улуғ» деган нақл бор. Бу мураббийларга бўлган юксак эҳтиром, иззат-икром ва беқиёс қарздорлик ифодасидир. Зотан, Сиз озод юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидансиз.

Азиз ватандошлар!

Бугунги умумхалқ байрами билан сизларни яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда ривож, оилангизга бахт-саодат тилайман.

Ҳар бирингизнинг хонадонингизга шодлик ва иқбол ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизда таълим тизимини ривожлантириш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, ёшларда мустаҳкам билим, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни маърифатли бўлишга ундаш, ватанга ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

Ашуралиев Холмўмин — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 8-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Бобохўжаев Иброҳим — Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 7-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ваҳобова Маъсуда Ваҳобовна — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 10-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Зунунов Асқар — Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бош илмий ходими

Мавланов Раҳмон — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 17-мактабнинг физика ўқитувчиси

Маманов Маматқул Хамидович — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мирзаев Воҳиджон — Андижон шаҳридаги 27-мактабнинг география ўқитувчиси

Муқимов Саид Қодирович — Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг физика ўқитувчиси

Саидмамедова Марьям — Урганч шаҳридаги 11-мактабнинг математика ўқитувчиси

Турсунходжаева Наима — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 25-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Тўраев Хайрулла — Жиззах вилояти Фориш туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Файзиев Рамзиддин — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юсупова Ширмон — Фарғона шаҳридаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Якубов Исмаил — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 61-мактаб директори

Қурбонов Язнон — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 30-мактабнинг математика ўқитувчиси

"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

Ачилов Отажон Салаевич — Хоразм вилояти Питнак шаҳридаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ашралиева Назира Турдалиевна — Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 5-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бўранов Суван — Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси

Воҳидова Мавжуда Мустапақуловна — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Гадилова Фавзия Сулеймановна— Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Исаев Аваз — Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Йўлдошева Муҳаррам — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 30-мактабнинг география ўқитувчиси

Низаматдинова Кумшагул Уснатдиновна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги 3-мактабнинг физика ўқитувчиси

Пименова Лидия Викторовна — Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 1-мактаб-гимназиясининг бошланғич синф ўқитувчиси

Раҳимов Ҳошим — Фарғона вилояти Риштон туманидаги 14-мактабнинг химия ўқитувчиси

Сатторов Муҳамамади — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 2-лицей-интернатининг математика ўқитувчиси

Собурова Зуҳра Ҳалиловна — Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 1-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Соловьева Татьяна Демьяновна — Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманидаги 50-мактаб-гимназиясининг физика ўқитувчиси

Тешабоев Абдурасул — Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Тўраев Шодмон — Қарши шаҳридаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Тўраев Эшбой — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 34-мактабнинг математика ўқитувчиси

Туропова Машкура — Республика таълим марказининг Маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи

Хожиев Бошмон Сайдуллаевич — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Элов Болта — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 8-мактабнинг математика ўқитувчиси

Давоми 2-бетда

ЭҲТИРОМ



Шавкат КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

Ўзбекистонимизнинг келажаги нечоғлик буюк бўлиши, навқирон авлод камолоти, уларнинг маънавий дунёси нақадар бой бўлиши таълим-тарбия-га боғлиқдир. Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрамига айланиши эса маърифат аҳлига давлатимиз ва халқимизнинг эҳтироми ошаётганидан далолат беради. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида бутун билимини, иқтидорини, меҳнатини Ватан равнақи ва келажаги учун сарф қилиб, қайғураётган мураббийлар талайгина.

Байрам онларида республикамиздаги барча таълим соҳасида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни самимий табриклайман. Уларга сиҳат-саломатлик, машаққатли ва келажак олдидаги масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилайман.



Одил ЁҚУБОВ,- Ўзбекистон Халқ ёзувчиси:

— Менинг бу дунёга келиб энг рози бўлган одамларим — Ўқитувчиларим. Улар менга илк марта қалам тутқаздилар. Мана, ўша қалам ҳануз қўлимда. Ниятим ушбу қаламим то қўлимни тарк этгунча мен уларнинг буюклигини эътироф этавераман.

Бир пайтлар менинг иккита улуғ ўқитувчиларим бўларди. Бирини Сулаймон ака, бирини Муҳаммад Амин Маҳмудов дер эдилар. Уларнинг бири менга Навоийни,бири Чулпонни таништириб, ижодимга устозлик қилиб кетдилар. Мен ўша раҳматли устозларимга ва барча муаллимларга юракдан таъзим қиламан.

«ТУРКИСТОН»ГА НУР БАХШ ЭТГАН ЧЕҲРАЛАР

Суратларда «Туркистон» саройида бўлиб ўтган шодиёналардан лавҳалар акс этган. В.Кириллов ва М.Амин (ЎзА) олган суратлар.

Дунёда эҳтиром деб аталмиш равия пайдо бўлибдики, унинг илк нашидасини устоз, муаллимлар тотиган эса ажаб эмас. Чунки, инсон сиёқини олган одам наслининг аввалги қуллуғи, тавозеси унга бирор унсурни ўргатган шахсга қаратилганлиги шубҳасиздир.

Йиллар ўтиб, инсоният тамаддунга эриша борган сари, оддий тавозе қунгил тубидан пайдо бўлган Эҳтиромга айлана борди. Ва то ҳануз шундай.

Дарвоқе, ҳар қандай иззат-икром хуш нарса. Бирваракайига, бутун халқнинг муҳаббатига сазовор бўлиш, унинг эътиборига тушишнинг гашти эса бўлакча бўлади.

Бу кайфиятни ушбу кунларда Ўзбекистоннинг ҳар бир муаллиму мураббийси туймоқда. «Ўқитувчи ва мураббийлар байрами» умумхалқ шодиёнасига айлантирилгани ўша «эҳтиром» деган лафзнинг бутун кўрку тароватини очиб юборди.

Тантаналар бош манзили — номи ҳам, бичими ҳам туркона «Туркистон» саройи. Байрамона руҳ ҳукмрон. Назаримизда сарой икки чандон чароғон. Чунки, салобатли-салобатли қандиллар нурига устозлар юзидаги, қалбидаги зиё уйғунлашиб кетган.

Сарой узра Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Барча «гурра» қўзғолади. Кузатамиз: фақат муаллимларгагина хос бир ҳалим жиддият, мағрур кўтарилган бошлар.Уларда фахр-ифтихор, масрурлик, ишонч зоҳир.

«Муаллим – миллатнинг юзи. Ватан истиқболининг асл бунёдкори. Эртанги кунимиз, барча соҳалардаги ўзгаришлар ва янгиланишлар тақдири Сизнинг қўлингизда. Чунки, замон Сиздек азиз инсонлар зиммасига дунё илм-фани ютуқларидан яхши хабардор, жаҳоний миқёсда халқимиз номидан баралла сўз айта олувчи, Ўзбекистон шаънини улуғлигига қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят масъулиятли вазифа юкламоқда». Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу сўзлари замиридаги моҳият саройни тўлдириб ўтирган муаллиму муаллималар, мураббию мураббияларнинг икки елкасидан манаман деб бўй кўрсатиб тургандай.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев Президентимизнинг аҳли Ўзбекистон зиёкорларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев маърифат заҳматкашларини табриклаб, таълимга, хусусан муаллимларга ҳукумат ва Президент томонидан берилаётган эътибор ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

-Азиз устозлар, сизнинг заҳматли меҳнатингиз олдида ҳар қандай ҳурмат-эҳтиром кам.

Тошкентдаги 158-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Татьяна Исахарова, Тошкент шаҳридаги республика Нафис санъат лицейи ўқувчиси Азизбек Турдиев, Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуфларнинг дил сўзлари бир моҳият тевараги-да жипслашди: муаллимлик —улуғ касб!

Давоми 3-бетда

ЭҲТИРОМ



Иброҳим ҒАФУРОВ, «Миллий тикланиш» газетаси Бош муҳаррири:

—Урушнинг оғир йиллари мактабнинг биринчи синфига ўқишга борганман. Бизни мактабда жуда меҳрибон одамлар кутиб олишган, авайлаб тарбиялашган, ёзиш, ўқиш, дунёни танишга ўргатишган. Уруш шиддатлари ва фожеаларини мактабда унутардим. Мен илк муаллимамнинг исм-шарифларини унутганман. У чеҳрасидан шафқат, раҳм-диллик, муҳаббат ёғилиб турадиган ёшгина, кўҳликкина бир аёл эди. У бизга беҳад ишонарди, бизнинг улуғ одамлар бўлишимизни истарди, меҳрини аямасди.

Унинг меҳрини эслаб қолганман. Шу меҳрга ҳамиша, ҳар қайда вафо сақлаганман. Бизни ёруғ дунёда сақлаб турувчи, бизга яшаш маърифати ва завқини ҳадя эттувчи ҳам шу меҳр деб тушунганман. Мен ўқитувчиларим меҳрининг қулиман ва шу меҳр қошида то умрим бор экан, абадул-абад таъзимдаман.

Маҳмуджон АЗИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

-Эсингизда бўлса, ўтган йили «зангори экран»да ҳинд халқининг «Маҳобҳорат» достони асосида тайёрланган кўп қисмли видеофильм берилган эди. Асарнинг бошидан охиригача изчиллик билан сингдирилган бир ғўйғу - бу шогирднинг ўз устозига ҳурмат, эҳтироми эди. Демак, ҳиндлар устоз тушунчасига муқаддас деб қарашаркан. Устозга бўлган бундай муносабатга ҳар қандай кишининг ҳам ҳаваси келади.

Дунёнинг бошқа халқлари ҳам устозни жуда улуғлайдилар. Жумладан, ўзимизнинг ўзбек халқи ҳам. Мен ўзим мактабдаги устозларим, шунингдек, санъатдаги устозларимни ҳам қандайдир жуда ҳам юксак, сирли, сеҳрли ҳилқат деб биламан. Улар поклик, ҳалоллик, имон-эътиқод элчилари бўлиб кўринади кўзимга. Устоз сўзининг салмоғи Она-Ватан деган сўзларнинг салмоғига тенг, менинг назаримда...

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошы 1-бетда

Курбаниязова Карима Зариповна — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 8-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ҳайдарова Гулсора Муллажоновна — Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 15-мактабнинг физика ўқитувчиси

Ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини юксалтириш, уларни илғор маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган қилиб тарбиялаш йўлидаги фидокорона хизматлари ҳамда Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Алиев Дилшод Иномджанович — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 8-мактабнинг араб тили ўқитувчиси

Алтмишов Мустафо Шайзақович — Жиззах вилояти Зомин туманидаги 36-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аминов Алимбой — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 12-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ахмедова Венера Шамилевна — Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 39-мактабнинг математика ўқитувчиси

Байраева Сапаргул Азизовна — Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 266-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бекназаров Файзулло — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 23-мактабнинг математика ўқитувчиси

Жораева Айдин Рустамовна — Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 15-мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Зарипова Галина Зайдуловна —Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ибрагимов Низом — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 5-мактабнинг тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

Имга Алла Леонидовна — Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Исаева Елена Викторовна — Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Истахарова Татьяна Борисовна — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 158-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Катяров Мустафа Джафарович — Фарғона вилояти Қува туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ким Гера Алексеевна — Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 2-мактаб директори

Ким Неля Петровна — Фарғона шаҳридаги 18-мактаб директори ўринбосари

Ким Светлана Николаевна — Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 291-мактабнинг математика-информатика ўқитувчиси

Колесникова Маргарита Исааковна — Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги 21-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Коротков Василий Дмитриевич — Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг назоратчиси

Лян Федор Алексеевич — Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар Ёш техниклар ижодий маркази авиа-ракетомодель тўгараги раҳбари

Муҳаммедов Саврон — Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 10-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Муҳамедов Николай Идиатович — Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманидаги 171-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Муқимов Турсунмурод — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 13-мактабнинг физика ва астрономия ўқитувчиси

Муҳамедшина Софья Габдуллаевна — Наманган вилояти Давлатобод туманидаги 5-касб-ҳунар мактабининг ишлаб-чиқариш таълими устаси

Норжигитов Бозорбой — Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 43-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Петряева Галина Николаевна — Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 107-мактабнинг география ўқитувчиси

Пушкарев Виктор Арсеньевич — Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактабининг теннис бўйича катта мураббийси

Садуева Людмила Степановна — Тошкент вилояти Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

Семикова Валентина Петровна — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 93-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ступаченко Людмила Алексеевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Узахбаева Шырынкул Маханбетияровна — Навоий вилояти Томди туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёт ўқитувчиси

Хадиева Анастасия Егоровна — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 23-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хожаназаров Турганбай Пердебаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 34-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эсанов Равшан — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 33-мактабнинг тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эшимбетов Сапарбой — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 10-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ямкулина Лидия Гатовна — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 89-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Қурбонова Марҳабо Адҳамовна — Тошкент вилояти Пскент туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Миллий истиқлол мақсади ва ғояларини рўёбга чиқарадиган соғлом авлодни вояга етказиш, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, кучли ҳамда соғлом инсонлар қилиб тарбиялашдаги шарафли меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

1-ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманова Мукамбархон Қодирхоновна — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 38-мактаб директорининг ўринбосари

Анорқулова Ҳакима Назаровна — Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги 3-болалар боғчасининг тарбиячиси

Астанақулова Салимахон Астанақуловна — Андижон вилояти Асака тиббиёт коллежи директори

Аҳмедова Хасият Маматовна — Наманган педагогика билим юрти директори

Ганиева Маҳфуза Холовна — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Пахтаой" болалар боғчасининг тарбиячиси

Зияева Мавлюда Фатхуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт билим юртининг директори

Зулунов Эркинжон — Андижон вилояти Бўз туманидаги 6-мактабнинг биология ўқитувчиси

Икромова Муборак Ҳасановна — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Куляпина Людмила Ивановна — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 460-болалар боғчасининг катта тарбиячиси

Луқмонова Истода Низомовна — Самарқанд шаҳридаги 11-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Матназарова Рано — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 13-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Миржалилова Сабоҳат Сагатовна — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Қувонч" боғча-гимназия комплексининг директори

Муйдинова Анорхон Рустамовна — Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Набиева Мовлуда — Наманган вилояти Поп туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Олимова Зумрадхон Фасиҳиддиновна — Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 12-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Отақулова Бубиайша Отақуловна — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 34-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Панина Алла Ивановна — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 68-махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси

Примқулов Тоғай — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 24-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Саидалиева Ҳидоят — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Сапарова Базаргул — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 7-болалар боғчаси мудираси

Седунов Валерий Владимирович — Фарғона вилояти Марғилон шаҳар футбол мактабининг мураббийси

Узақов Бахтиёржон Пўлатович — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 35-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Халмуратов Орынбай — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги 4-махсус мактаб интернатининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хамзаева Галина Мамедовна — Тошкент шаҳар қўшимча таълим комплексининг директори

Ходжамова Шапокат — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 18-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эрматов Шавкат Хорунбоевич — Фарғона вилояти Марғилон тиббиёт билим юрти директори

Қурбонова Ойдин Қурбоновна — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги "Қуёш" болалар боғчаси мудираси

II-ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

Абдалимов Избосар Бўронович — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати директори

Абдиназарова Сафия Чариевна — Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Абдукаримов Машарип Жуманиязович — Хоразм вилояти Хонқа тумани бизнес мактаби директорининг ўринбосари

Абдуллаева Махират Иботовна — Навоий вилояти Навоий туманидаги "Қалдирғоч" болалар боғчасининг тарбиячиси

Абдурахманов Тўлқин Асқарович — Тошкент педагогика коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Абдурахманова Шарофат Мадазимовна — Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 42-мактабнинг биология ўқитувчиси

Акбарова Шоҳида — Фарғона вилояти Данғара туманидаги "Зумрад" болалар боғчасининг бош тарбиячиси

Аҳмедов Самад Рахматович — Бухоро вилояти Жондор туманидаги 12-мактабнинг физика ўқитувчиси

Жиянмуродова Ойсара — Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманидаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Жумаев Ҳалил — Бухоро тиббиёт билим юрти директорининг ўринбосари

Исломов Абдикарим Акабурович — Бухоро вилояти Олот туманидаги 14-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Калмуратов Пердегали Даулеталиевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 3-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Каримова Дилбар Хожимуҳамедовна — Наманган вилояти Чуст туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси

Каримова Моҳидил Исмоиловна — Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Рўзметова Минавара — Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 8-болалар боғчасининг мудираси

Таджиахмедова Ҳалимахон Иргашевна — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 40-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ташмуҳаммедов Холмурат — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги жисмоний тарбия мактаб-интернатининг мураббийси

Тожибоева Ибодатхон — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 31-меҳрибонлик уйининг бошланғич синф ўқитувчиси

Тошпўлатов Асқар Исматович — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 1-мактаб директори

Убайдуллаева Ойсара — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 44-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Федосеева Елена Юнусовна — Самарқанд шаҳри Боғишамол туманидаги 1-махсус мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хажиев Комолбой — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридаги 5-мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси

Хакимова Рахима — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 19-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Хўрозов Холмурод — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 16-мактабнинг биология ўқитувчиси

Холмуродов Абилқосим Бойназарович — Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги 62-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Худойбердиев Мамарасул — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

Хуррамов Маматқул Назарович — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 8-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Хушмирзаев Боҳрамжон — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Юнусов Шомурот Юнусович — Охунбобоев номли Республика тиббиёт билим юртининг ўқув бўлим мудири

Ўсиб келаётган ёш авлодни ўз юртидан фахрланиш, Она ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда юксак инсоний, миллий қадриятлар ва маънавий ғояларни тарғиб қилишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуалимов Алохон — Наманган вилояти Наманган туманидаги 36-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Абдуганиева Меҳринисо Сатторовна — Самарқанд вилояти Челак туманидаги 4-мактабнинг расм-чизмачилик ўқитувчиси

Абдумажидова Муқаддас Қўчқаровна — Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 16-мактабнинг география ўқитувчиси

Абдумаликова Тўхтахон — Сурхондарё вилояти Денов бизнес мактабининг махсус фан ўқитувчиси

Амонқулов Пўлат Турсунқулович — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 71-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Арапова Галина Сергеевна — Фарғона индустриал техникумининг махсус фан ўқитувчиси

Ахмаджонов Баҳодир — Андижон вилояти Асака туманидаги 43-мактабнинг математика ўқитувчиси

Бекниязов Даулетнияз — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 11-касб-ҳунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси

Бердиева Ойсулув — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 3-мактаб-боғчасининг бошланғич синф ўқитувчиси

Бердиқулов Ёдгор — Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Бобоева Собира Ҳасановна — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "Умид" лицей-интернатининг химия-биология ўқитувчиси

Бобожонова Татьяна Евгеньевна — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 15-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Болтабоева Мақсудахон — Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Вафоев Миржон — Республика мусиқа тарбияланувчилари мактаб-интернатининг мусиқа ўқитувчиси

Ганиева Ҳурмат — Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Гаффаров Итолмас — Наманган санъат билим юрти ўзбек халқ чолғулари бўлимининг ўқитувчиси

Генжемуратова Аманбике — Қорақалпоғистон Республикаси Муйноқ туманидаги 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Гойипова Назокат Сафаровна — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Гулдаста" болалар боғчаси мудираси

Дадахўжаев Мелихўжа Муборович — Тошкент вилояти Паркент туманидаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Ёрқинбоева Ҳабибажон — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Жавлонов Анвар — Сирдарё вилояти Оқолтин туман халқ таълими бўлими назоратчиси

Жамолиддинова Саломатхон — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Жўрабоев Иброҳимжон Турсунқулович — Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей директори

Жўраев Аҳмаджон Мамаджонович — Наманган вилояти Наманган туманидаги Ёш техниклар марказининг тўгарак раҳбари

Жўраев Равшан — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 17-мактаб директорининг ўринбосари

Жўрақулов Самат Ҳайдарович — Самарқанд темир йўл билим юртининг махсус фан ўқитувчиси

Имамов Иргаш — Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг биология кабинети мудири

Исакова Ғазинахон — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 2-мактабнинг химия ўқитувчиси

Камолова Моҳира Деҳқоновна — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 7-мактабнинг математика ўқитувчиси

Каримов Бахтиёр Рауфович — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактабнинг математика-информатика ўқитувчиси

Каромов Амрилло Ражабович — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 7-касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Кенжаев Абдужалил Абдумажидович — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мавлонова Мунира Тўрақуловна — Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 19-мактаб директорининг ўринбосари

Матъқубов Эгам — Хоразм вилояти Хива тумани касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Маҳамадиев Жума — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 34-мактабнинг расм-чизмачилик ўқитувчиси

Махсумова Азиза Набижоновна— Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Фароғат" боғча-гимназиясининг мудираси

Меникулова Пардабувиш Азизбековна — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 1-мактабнинг биология ўқитувчиси

Мирзаматова Хасиба Ўринбоевна — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 3-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Мўйдинова Муҳаббатхон Ахмаджоновна — Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ниёзов Ражаб Бозорович — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Ибн Сино номли мактабнинг математика ўқитувчиси

Низомов Шернияз — Навоий вилояти Конимех туманидаги 9-мактабнинг география ўқитувчиси

Нуъмонхўжаев Абролхўжа Султонхўжаевич — Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги лицей директори

Облоев Нурулло — Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 49-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Одилова Зайнаб Шамсиевна — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 125-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ойхўжаева Қўйсин — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Останов Садат Эшқобилович — Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 74-мактабнинг биология ўқитувчиси

Отениязова Бибигул — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатоу туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Палуаниязов Искендер — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай агросервис коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Расулова Дилором — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 21-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Саидқулова Гулсара Сафармуротовна — Термиз шаҳридаги 2-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Саидов Бахтиёр Мадаминович — Хоразм вилоят педагог ходимлр малакасини ошириш институтининг география бўлими мудири

Сатторов Раҳмонжон — Фарғона вилояти Қўқон сервис ва тадбиркорлик коллежи директори

Серова Ольга Ивановна — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Султонов Сўлмас Йўлдошевич — А.Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи директори

Ташева Татьяна Маджидовна — Самарқан шаҳар саноат коллежи директори

Тўрабоева Комилахон — Андижон вилояти Андижон туманидаги 30-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Тўраева Пардахол Муродуллаевна — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 5-болалар боғчасининг тарбиячи-услубчиси

Тоғыбаева Кенже — Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 6-мактабнинг қозоқ тили ўқитувчиси

Тожиев Абдуманоп — Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 22-мактабнинг физика ўқитувчиси

Усаров Салохитдин — Навоий вилояти Нурота касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Усмонова Зибинисо — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Баҳора" болалар боғчасининг мудираси

Хасанова Меҳринисо — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 42-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Холбоев Ўролбой Сафарович — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 26-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Холмуротова Муяссар Тоировна — Республика ўқувчилар саройининг бўлим бошлиғи

Чориева Моҳира Тўхтамишовна — Қарши шаҳридаги 1-гимназиянинг инглиз тили ўқитувчиси

Шералиев Рашидхон Мажидович — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 24-мактабнинг биология ўқитувчиси

Шерматов Раҳматжон Алматович — Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 37-мактабнинг биология ўқитувчиси

Шоймардонов Маҳмамурод — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 56-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Шокиров Нуриддин Зиёевич — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 24-мактабнинг география ўқитувчиси

Шукурова Гулнора Маманазаровна — Қарши шаҳридаги 29-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси

Эгамбердиев Бегназар — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 23-мактабнинг расм-чизмачилик ўқитувчиси

Элмуродов Ёрмуҳаммад Усмоналиевич — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 3-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Эралиева Гулнора — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 3-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юлдашева Хосият Эргашевна — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 15-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Юлдошева Бувигул Ҳожимуротовна — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 29-мактабнинг математика ўқитувчиси

Юнусова Гавҳар Абдуллаевна — Урганч шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Қамбаралиева Азадахон Нурматовна — Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги И.Охунов номли мактаб-лицейининг химия-биология ўқитувчиси

Қаратаев Оразбой — Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Кўчқаров Сагдулло Кўчқарович — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 55-мактаб директори

Куронбоева Шодмоной — Хоразм вилояти Шовот туманидаги 31-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ҳайдарова Мопар — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 60-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ҳайдарова Нурия Бекпулатовна — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 35-мактабнинг биология ўқитувчиси

Ҳайтбаев Аллаяр — Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 3-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Ҳамидов Рашид Ҳамидович — Тошкент шаҳар қурилиш касб-ҳунар мактабининг ўқитувчиси

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада таълим тизимини ривожлантиришдаги юксак хизматлари, ёшларга билим ва тарбия бериш, касб маҳоратини ўргатиш, уларни халқимизнинг асрий анъаналари ва қадриятларига садоқат руҳида, ғоявий баркамол ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ"

Азимов Саидмалик Акбарович — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 104-махсус мактаб-интернатининг меҳнат ўқитувчиси

Алиев Мамат — Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 11-мактаб директори

Аликулов Жўрақул — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 11-мактаб директорининг ўринбосари

Бобоназарова Санобар — Наманган вилояти Наманган туманидаги 8-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Муродов Ҳотам — Навоий вилояти Нурота туманидаги 2-мактабнинг география ўқитувчиси

Мўминов Турди Муродович — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 12-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мўминова Ҳалима Абдуллаевна — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Солиева Фарида Исмоилжоновна — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 17-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Тошбеков Қодир — Жиззах вилояти Фориш туманидаги 30-мактаб-интернатининг тарих ўқитувчиси

Тўрабеков Мирзақул — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 5-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хожиқурбонов Турдали — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

Юлдашева Ҳайтгул — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 30-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Қурбонов Раҳмат — Бухоро вилояти Когон туманидаги 8-мактабнинг химия ўқитувчиси

Қурёзов Собир — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 17-мактабнинг химия ўқитувчиси

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ"

Абдуҳолиқов Валижон Абдураимович — Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 7-мактабнинг математика-информатика ўқитувчиси

Алимова Гуландон Яҳъёевна — Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи

Баҳромов Ўлмасжон Турдиевич — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 4-мактабнинг биология ўқитувчиси

Боҳодиров Ёқубжон Азимович — Андижон вилояти Жалолқудуқ туман халқ таълими бўлими услубчиси

Джуманиязова Алтин — Нукус шаҳридаги 3-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси

Джураева Маръям Юлдашевна — Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Достонова Яқутхон — Наманган вилояти Норин туманидаги 23-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Зоҳидова Саноат — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 29-мактабнинг математика ўқитувчиси

Иргашева Назира Шамсиевна — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 23-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Исмоилова Раъно — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 15-мактабнинг химия ўқитувчиси

Каттаев Неъмат — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 37-макабнинг география ўқитувчиси

Мельник Галина Демъяновна — Қорақалпоғистон Республикаси "Прогресс" тиллар ўрганиш марказининг инглиз тили ўқитувчиси

Сапаев Қурбонбой — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 8-мактабнинг математика ўқитувчиси

Смольникова Людмила Леонидовна — Навоий шаҳридаги 16-мактаб директори

Ўрмонова Диляра Аҳмедовна — Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Навоий номли гимназиянинг инглиз тили ўқитувчиси

Хасанова Зилайхо — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги кўзи ожизлар мактаб-интернатининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Холматова Мабура Давроновна — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 21-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Холмуродов Нормурод Болта ўғли — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 9-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Худойбердиева Тожихол — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги "Лола" болалар боғчасининг мудираси

Чимкатова Носира — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 2-мактабнинг физика ўқитувчиси

Шарипова Мавлуда Ғаниевна — Тошкент Давлат техника университети қошидаги лицей-интернатининг математика ўқитувчиси

Шафиев Марат — Халқ таълими вазирлигининг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи

Шералиева Раҳбарой — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 21-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эназаров Саврожон — Фарғона вилояти Сўх туманидаги 1-лицей-интернатининг тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эргашева Куконтош — Самарқанд вилояти Ғўзалкент туманидаги 31-мактабнинг физика ўқитувчиси

Эшмуродов Холмурод — Қашқадарё вилояти У.Юсупов туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Қодирова Тожихон — Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 7-мактабнинг физика ўқитувчиси

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ"

Абдикаримов Сахи — Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 3-мактаб директори

Агзамов Абдулазиз Агзамович — Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 243-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Алланазаров Муҳаммади — Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 143-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Аҳмедов Салоҳиддин — Тошкент агротижорат коллежининг бўлим мудири

Баҳоева Олия Ахмеджоновна — Бухоро вилояти Пешку туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Ботиров Машрабжон — Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 22-мактаб-лицейининг директори

Воҳидов Искандар Раҳмонович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 3-гимназия мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Галкин Владислав Николаевич — Миллий хавфсизлик хизмати институти "Ўзбекистон тарихи" кафедраси профессори

Имамджанов Ибрагим Аҳмеджанович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Йўлдошев Холтўра — Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Казакбаев Азат — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 6-мактабларароо ишлаб чиқариш комбинати ўқитувчиси

Кушбаев Тўйчи — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 3-мактабнинг ёшларни чақириққача тайёрлаш ўқитувчиси

Мадиев Абдугани — Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги 22-мактаб директорининг ўринбосари

Мещерякова Раиса Дмитриевна — Фарғона шаҳридаги 21-мактабнинг география ўқитувчиси

Норматов Эсонали Аҳмедович — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 2-лицей-интернатининг физика ўқитувчиси

Отабоев Ирисбой — Наманган вилояти Косонсой туманидаги 24-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ражабов Сайфулло Файзиевич — Шаҳрисабз технология коллежи катта ўқитувчиси

Раҳимов Кўзибой — Хоразм вилояти Боғот туманидаги 3-лицей-интернатининг химия ўқитувчиси

Таджидинова Мавжуда Бурҳановна — Тошкент вилояти Чирчиқ индустриал техникуми махсус фан ўқитувчиси

Турымбетова Сагида Абдуллаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот туманидаги 40-мактабнинг математика ўқитувчиси

Шарипова Гавҳар — Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Шералиев Абдураҳмон — Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 29-мактабнинг математика ўқитувчиси

Шожалилов Акромжон — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 27-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Яҳяев Жўра — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги 26-мактабнинг география ўқитувчиси

Яҳяева Марҳабат Оббосовна — Наманган шаҳридаги 45-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Қодиров Болта — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ

«ТУРКИСТОН»ГА НУР БАХШ ЭТГАН ЧЕҲРАЛАР

(Боши 1-бетда)

Тантананинг давоми қуйқушиқларга уланиб кетди. Узбекистон санъат усталари ва ёш ижрочилари томонидан катта концерт дастури намойиш этилди. Узбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Юлдуз Усмонова, Узбекистон халқ ҳофизи Улмас Саиджонов, «Узбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг «Баҳор» дастаси, «Томоша» болалар фольклор-этнографик ансамбли, эстрада хонандаси Лариса Москалёваларнинг чиқишлари устозлар дилини ҳушнуд этди.

Устозлар шодиёнасига ҳамнафас бўлиш учун тантанада Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари А.Азизхўжаев,Д.Ғуломова,Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Маданият ишлари вазири Х.Жўраевлар ҳозир бўлишди.

Чуқур иззату муҳаббат тажассум топган ушбу тантана поёнида хаёлимиздан кечдики, меҳр ҳам қуёш янглиғ эмиш. Устозларнинг гулгун чеҳраларини кўриб, шунга амин бўлдик. Яна ўйладикки, бизда муаллиму мураббийларга, таълимга эътибор бор. Катта эътибор. Меҳрнинг меваси эса ҳамиша тотли бўлади.

ТААССУРОТЛАР

Қувончимизга қувонч қўшилди

Оминахон ОМОНОВА, Андижон шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси:

- Бизни Тошкентда иззат-икром билан кутиб олишди. Тошкент вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг шинам ва ёруғ меҳмонхонасига жойлашдик. Дастлабки куни Яккасарой туманидаги мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ҳаёти билан танишдик. Шу тумандаги 100-мактаб (директори Ферузахон Соатова)даги дарсларни кузатиб, таҳлил қилдик. Машғулотлар аъло даражада ўтилар экан. Бунинг боиси билан қизиққанимизда, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, ўғил-қизлар билан якка тартибда ишлаш яхши йўлга қўйилгани маълум бўлди.

Мактаб ҳаёти билан танишувдан сўнг давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбати вақтида бизга гуллар, эсдалик буюмлари совға қилишди. Бундай эътибордан бошимиз кўкка етди.

Шу аснода туман халқ таълими бўлими мудири Уткир Мирзажоновнинг нақадар самимиятли, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган инсон эканлигини англадим. Худди шу фазилатлар мактаб раҳбарларида ҳам мужассамлигини кўриб ҳайрон қолдим. Қадимда, эски мактабларда эзгулик асосий пойдевор ҳисобланган. Демак, биз ўзлигимизга қайтаяпмиз, боболар меросини қайта ўзлаштиряпмиз. Буни фақат қутламоқ керак.

Кўзга айлансин кўнгил

Гавҳаржон ИБОДУЛЛАЕВА, Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, «Йил ўқитувчиси—95» республика кўрик-танлови ғолиби:

— Зиёбахш кўнгилларгина ўзига хос ибрат кўрсата олади. Истеъдодли ёзувчи Тоғай Муродниг «Отамдан қолган далалар» романи асосида яратилган мазкур номдаги фильмни кураётиб шу фикр хаёлимдан ўтди. Негаки, фильм аввалида санъатимиз даргалари Зикир Муҳаммаджонов, Темурмалик Юнусов, Шуҳрат Аббосов ва бошқалар Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан бизни қутлаб, самимий тилакларни билдиришди.

Огоҳликка даъват этувчи ушбу фильмни кўзда ёш билан томоша қилдим. Ахир, турғунлик йилларига бизнинг ёшлигимиз, талабалик йилларимиз тўғри келган эди-да. Фильмдаги ўша заҳар сочувчи самолётлар биз — ўқувчиларнинг ҳам тепасидан учган...

Буюк аллома Жалолиддин Румий шеъриятида шундай фалсафа бор: «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил». Мен ҳам шу фикрга амал қилиб, чуқур мушоҳадага бериллдим. Бироқ ҳар бир кўриниш кўнглим – кўзимга қадалаверди, қадалаверди. Туйғуларим нимагадир ундаб менга тинчлик бермади. Фильм таъсирида бир шеър битдим... Дарсларим учун эса бир мавзу туғилди: «Тупроқни сев, дегилки жон бу». Мен қадрдон мактабимга боргач, бу мавзуни атрофлича таҳлил қилиб, ўқувчиларимга сўзлаб бераман. Хуллас, ўзлигимизни намоён этмоқлигимиз лозимлигини, шунингдек, истиқлол қадрини англатиб тургувчи бу фильмнинг аҳамияти беқиёсдир.

Улуғ саодат бу

Дониёр АБДУЛЛАЕВ, Наманган вилояти Наманган туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси:

—Мана, бир неча кундирки, саодатли дамларни бошдан кечиряпмиз. Тошкент бўйлаб саёҳат қилдик, музей ва тарихий жойларни томоша қилдик. Мактабларга ташриф буюриб, тажриба алмашдик. Қаерда бўлмайлик, иззат-ҳурматимизни жойига қўйишди.

Аввало, буни Президентимизнинг таълим ходимларига кўрсатаётган ғамхўрликлари боиси деб биламан. Энди биз ҳам бундай эҳтиромга муносиб фаолият кўрсатишимиз зарур. Айни кунда мен «Ахборот ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани бўйича синов олиб бораяпман. Мактабимиздаги иккита синф бир-бирига қиёсланиб, уларда аввалги ва янги дастур таққосланаяпти. Ҳар бир дарс мутахассислар томонидан кузатиб борилади.

Вилоят ХТБ тажриба майдончасини энг замонавий «IBM -586» компьютери билан таъминлаган бўлса, туман ҳокимлиги синфхоналарни сифатли таъмирлашди. Ундан ташқари дастур ижодкори Т.Азларов, РТМ мутахассислари Б.Болтаев ва М.Маҳкамов, айниқса вазиримиз Жура Йўлдошевнинг тажриба майдонларимизга ташрифлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Хуллас, мустақиллик шарофати билан устозлар эъзозланаяпти, илм равнақ топаяпти. Ана шундай замонда ишлаш бахти насиб этганидан мамнунман.

Эътироф

Муҳайё ФАЙЗУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 173-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Мен дугоналарим – Фарида Жавҳарова, Дилдора Мамарасуловалар билан илк бор ўқитувчилик қила бошладик. Биз ўғил-қизлар билан ишлашга улкан масъулият билан ёндашмоқдамиз. Чунки устозларимиз шундай таълим беришган. Зеро, бу касб эгалари бошқаларига зиё таратади, ўзгалар учун эзгулик қалъасин барпо этади.

Ҳозир Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирларда иштирок этяпмиз. Бизга «Наврўз» мажмуасидаги давра суҳбатида, шунингдек, «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали йиғилишда алоҳида эҳтиром кўрсатишди, совғалар улашишди. Ўқитувчи эътибор топаётган юртда айнан шу касбни эгаллаганимдан хурсандман.

Асқар ШОКИР, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбирлари

МЎЪЖИЗА СОАТЛАРИ

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

XXI асрнинг болалари.

XXI аср муаллимлари.

Улар ўн йил аввалги ўқувчилардан, мураббийлардан ўзгача, дейман ҳар куни мактабдан қувониб, бир янгилик топиб келадиган неварамга қараб.

-Устоз бугун нима дедилар менга, суранг,-дейди у.

-Нима дедилар...

-Бир оғиз сўзингиз, жоним билан ҳарф ўргатаман. Мана, ёзамиз, битта илгак,иккита илгак—*У*ҳарфи бўлади, -дедилар устоз Маҳфуза Асадовна.

Унинг митти юрагига нур тушганидан, лугати устоз деган ҳикматли сўз билан бойиганидан суюнаман.

-Бугун «байроқча» қўйдилар устоз, - тушунтиради у яна вижирлаб. Мурғак ақлга меҳнатнинг илк қувончини англатган устозга ташаккур дейман.

Устозлар. Муаллимлар. Ҳаётимиз, тақдиримиз, орзуларимизнинг энг ҳаяжонли, бахтиёр дамларида ҳамроҳлик қилган азиз сиймолар. Уларнинг ҳар бир кўз қараши, юз ифодалари, қўл ҳаракатлари, сочларининг ўрамлари, либослари, майин ва шаҳдам овозлари хотирамиздан сира ўчмайди.

Азиз устозларим Ўктам Муҳамедов, Мурод Холмуродов, Роҳила Муҳамедова, Аллаёров, Азизов, Раҳима Салоева, Бибиражаб Дўстова, Сувонов, Исом Салимов, Муҳаббат Жўраева, Худойдод Бобоназаров, Шариф Аҳмедов, Соҳибова, Акбешова... уларни унутиб бўларканми?

Хотира кўчаларида қай бири учмас чироқдай ёниб қолдилар. Қай бирлари бугун ҳам устозлар сафида маърифат элчиси бўлиб юрибдилар.

Биз мактабга бир даста саноқ чўплари олиб борардик. Бугунги авлод эса илк синфдаёқ компьютер дарсларини ўтмоқда. Ҳозирги муаллимлар ўз қалбини ислоҳ қилаётган миллатнинг буюк фидойиларига айланишга интиляптилар.

Куни кеча 426-болалар боғчаси қошида очилган тажриба 1-синфдаги дарсни тинглаб қайтадан ўқувчи бўлгим келди. Ўқувчиларга мактаб анжомларини топширяпкан, боғча мудираси Мастурахон Мусаева шундай дедилар:

Болажонлар! Мана, бу чиройли портфелларни, рангли қаламларни, дафтар ва китобларни, биласизми, Сизга ким совға қилди? Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ўзлари. Сизлар яхши ўқиб, улғайиб, катта-катта ишларни бажарасиз, Президентимиздай дунёни кезиб, юртимиз ҳақида, Ватанимиз ҳақида сўзлайсизлар. Мана шу ручка, қаламлар, бўёқлар оддий эмас, жудаям хосиятли, худди эртаклардагидай. Астойдил ўқисангизлар, бу қаламлар сизни Кенжа ботирдай мурод-мақсад йўлларига олиб боради...

Болакайлар ҳайратланиб, бир-бирига кўз-кўз қилиб биринчи дарсни бошлаганларида улар дарҳақиқат эртаклар қасрига кириб қолгандай эдилар. Ана шу гўзал сониялар – мўъжиза соатлари уларни улғайтириб юборган эди...

Устозим Ғиёс Олимович Афзалов жаннати одам эдилар. Муаллимнинг юрагида инсонийлик туйғуси, меҳру муҳаббат кучли бўлмаса, болаларнинг ички дунёсига йўл тополмайди. Болаларнинг юраги ёзилмаган оппоқ саҳифа. Ўқитувчи қандай билим берса, нимани айтса, шу нарса ёзилаверади. Муаллимлик санъати ота-оналик масъулиятидан ҳам машаққатлироқ, дейди мураббия Мастура Мусаева ҳар гал ўз шогирдларига. Ана шу масъулият ва меҳр туйғуси билан у 42 йилдан бери болалар орасида. Янги боғчалар очади, ишни ташкиллаштиради, янгиликлар излайди, ташаббусларга йўл очади. Боғчаларда маънавият дарслари, санъатга бағишланган кўпроқ соатлар бўлишини таъминлайди. Бола, энг аввало, интизомга, одобга, тартибга, меҳрли бўлишга ўрганса, ўзини ҳимоя қила олишини, мустақил фикрга ўрганишини кўп таъкидлайди шогирдларига.

Ташаббус. Одамни ҳаракатга соладиган, фикрини чархлайдиган мезон. Наманганнинг Поп туманидаги 50-лицей директори Музофотхон Аҳмедова фаоллиятида ана шундай ташаббускорликни кўрдим, суюндим. Лицей тиббиёт ва доришуносликка ихтисослашган экан.

Лицейда тест маркази ташкил этилган. Ўқувчи-битирувчилар тест синовидан ўтказилади ва қайси фандан билими кучли бўлса, тегишли олий ўқув юртларига кириш учун муаллимлар биркитилиб, тайёрланадилар. Ўқув масканида олий ўқув юртларининг имтиҳондан ўтув баллари рўйхатлари мавжуд экан.

Махсус тайёргарлик кўрган ўқувчилар ўз устозлари билан биргаликда имтиҳон топширишга борадилар. Йўл харажатларини ота-оналар кўтарадилар. Натижалар икки йилдан бери яхши: битирувчиларнинг 80 фоизи имтиҳонлардан яхши ўтмоқда. Ота-оналар ҳам хурсанд, муаллимларнинг ҳам ўз меҳнатлари самарасидан кўнгиллари тўлмоқда.

Ўз халқининг, миллатининг фидойиси ҳар бир ўқувчи тақдири учун, айниқса, мактабни битирган қизларининг келажаги учун шундай қайғурса, халқимизнинг маданий қатламлари бойиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Музофотхоннинг ташаббусини вилоятдагилар қўллаб-қувватламоқда.

Ҳар бир муаллим, мураббий янгиликлар, ўзгаришлар жарчиси, ўзи мансуб бўлган халқнинг мураббийси бўлиб майдонга чиққанда – Ватан юксалади, юраклар маърифат ва билим зиёсидан куч-қувват олади.

Бундай муаллимлар, жонкуяр устозлар республикамизнинг билим ғўшаларида чин дилдан меҳнат қилаяптилар.

Инсон кўнглига берган байрамингиз, кўнгил кўзларимизни очганингиз ва мўъжиза соатлари учун, туганмас меҳрингиз учун Сизга таъзим қиламиз, устозлар!

Байрам хабарлари

МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Андижон шаҳрида ўтказилган «Йил мактаби-98» кўрик-танлови натижасига кўра, шаҳардаги 5-мактаб ғолиб деб топилди. Мактаб ҳовлисию бинолари, синфхоналару йўлаклари ҳавас қилгудек ораста. Мактабнинг билим бериш ва ўзлаштириш самарадорлиги энг юқори ўринларда. Барча муваффақиятларнинг сабаби жамоада дўстона муҳит шаклланганидадир.

Ш.КЕЛДИЕВ

ШУКУҲ

Фарғонада ўқитувчи ва мураббийлар кунини юқори савияда ўтказиш учун вилоят ХТБнинг тавсияси билан катта тайёргарлик кўрилди. Унга кўра, асосий байрам тадбирларида эл суйган муаллимларга таълим тизими ҳомийларининг совғалари топширилади. «Устоз» вилоят телевидениеси орқали тадбирлар намойиш этилади.

А.ҲАЙДАРОВ

МЕРОСИМИЗНИНГ БИЛИМДОН ВОРИСЛАРИ



Бугунги кунда халқ томонидан яратилган, қомусий аҳамиятга эга халқ оғзаки ижодиётининг намуналари, имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур каби буюк алломалар қолдирган мерос жуда қимматлидир. Жамиятимиз кун тартибига қўйган долзарб вазифалардан бири ҳам ана шу аждодларимиз мероси ва Ватанимиз тарихини мукаммал ўрганиш. Бу борада юртимизда қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, яқиндагина пойтахтимизда тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Тарих ва Шарқ тиллари лицейининг фаолияти ҳам асосан тарихий қўлёзмаларни ўқиб-ўрганишга қодир бўлган, замонавий тилшунос ва манбашунос тарихчи кадрларни тайёрлашга йўналтирилгандир.

— Лицейимизга республикамизнинг барча вилоятларидан форс, араб, ҳинд, хитой, япон ва инглиз тилларига қизиқиб, ўрганиб юрган иқтидорли талабалар қабул қилинди, - дейди лицейнинг маънавий ва тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Собиржон Ҳожиев. - Бу ерда уларга барча шароитлар яратилган. Ётоқхона, кутубхона, кунига тўрт маҳал овқатланиш ташкил этилган. Талабалар учун 20 банддан иборат қоидалар мажмуи ишлаб чиқилган ва улар бунга риоя қилишмоқда.



– Мен араб тили бўйича суҳбатдан ўтдим, диктант ёзиб, тест топширдим. Мана, талабаликка қабул қилинганлигимдан мамнунман, - дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Наргиза Зоҳидова. - Келажакда ТошДУнинг халқаро журналистика факультетида ўқиш орзуим бор.

– Ушбу лицейнинг илк қалдирғочлари бўлишимиз, бизга катта масъулият юклайди, - дейди сурхондарёлик Алижон Худойбердиев. - Зеро, биз лицейимиз шаънини биринчилардан бўлиб ҳимоя қиламиз-ку!

Ҳа, шу кунги тантанали тадбир иштирокчилари –Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Миробод туман ҳокимининг ўринбосари М.Раҳимбердиева, УМКҲТ маркази раисининг ўринбосари Х.Маъсудов ҳамда Миср, Хитой Халқ Республикаси элчихоналари, Ҳинд маданий маркази вакиллари таъкидлаганидек, ушбу лицейдаги таълим жараёни нафақат Узбекистоннинг, балки бошқа мамлакатларнинг тарихи, маданиятини яқиндан ўрганишга имконият яратади. Тадбир ниҳоясида элчихона ходимлари лицей кутубхонасига юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган бўлажак шарқшунос мутахассисларнинг мукаммал таълим олиши учун лозим бўлган адабиётлар, жумладан, чет эл давлатлари тарихи ва маданиятига оид журналлар, китоблар туркумини ҳадя этишди.

Нурлан УСМОНОВ

Суратларда тантанадан лавҳалар акс этган. Ш.Зуфаров олган суратлар

Байрам хабарлари

ТАЖРИБА МАЙДОНЧАСИДАГИ ТАНТАНА

Марғилондаги 23-мактаб жамоаси ўқитувчи ва мураббийлар байрами кунига ўзгача тайёргарлик кўрди. «Одобнома» фанидан тажриба-синов майдончаси бўлган бу мактабнинг байрам дастурига кўра, нафақадаги муаллимлар, таълим тизими фидойилари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари байрам дастурхонига таклиф қилинадилар.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Анъанага кўра, Ўқитувчи ва мураббийлар куни шарафига республика ўқитувчилар уйи фахрий педагоглар билан учрашув ташкил этди.

Ўқитувчилар уйи етакчи методисти Тўлаган Рустамов умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган байрам шарофати билан фидойи ўқитувчилар вакилларини қутлаб, уларнинг ёш педагогларга бундан кейин ҳам ибрат кўрсатишларида, жойларда тарбиявий ишлар олиб боришларида куч-қувват тилади.

Ўқитувчилар уйи фаолларидан Рихситилла Ҳусанов, Раҳима Усмонова, Турсунбой Азлархонов ва бошқалар педагоглар ҳақидаги ғамхўрликка жавобан ёш авлод тарбияси йўлида фаоллик кўрсатишларини айтишди.

Ғ.МАННОПОВ

Фахр

МАҲОРАТГА УНДОВЧИ НИШОН

Ҳаётда барчага ибрат бўлиб яшамоқ бахти ортида қанчалик машаққат, қанчалик масъулият туради. Айниқса, у инсон ўқитувчи, мураббий бўлса бу каби нарсаларни ҳар бир қадамида ҳис этиб яшаш лозим бўлади. Ёшлар тарбиясини, таълимини ҳаёти мазмунига айлантирган, туну кун шу мақсадда меҳнат қилган фидоий устоз Оқилхон Шарафуддинов ҳам ўз умрини шундай яшаб ўтди. Унинг илк сабоғи ҳам одобдан иборат бўлган. Чунки Оқилхон аканинг бу соҳадаги фаолиятининг асосий қисми бошланғич синфларга дарс бериш билан ўтди. У яратган «Алифбе» дарслиги миллионлаб ёшларга ҳарфларни, умрини қўшиб сўз ясашни, сўзларни қўшиб эса фикр яратишни ўргатди.

Бу йил республикада Оқилхон Шарафуддиновнинг 100 йиллиги кенг нишонланди. Тантаналарда у кишининг ишлари, қолдирган меросларининг яна бир бор ўзгача мазмун билан бўй кўрсатди. Энг қувончлиси эса ибратли умр соҳиби –Оқилхон Шарафуддиновнинг номини абадийлаштирилганлиги бўлди. Пойтахтдаги 129-мактабга устоз номи берилди. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошланғич таълим усталарини тақдирлаш учун «Оқилхон Шарафуддинов» номли кўкрак нишони таъсис этди. Ушбу кўкрак нишони рамзий маънода бевосита ва билвосита Оқилхон Шарафуддиновни устоз деб улуғлаб, унинг ишларини давом эттираётган ўқитувчиларга, халқ таълими ходимларига устознинг шогирдга миннатдорчилиги бўлиб қолади.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз мураббий ва устозлар!
Мустақил Ватанимиз келажаги - ёшларимизни баркамол авлод этиб тарбиялашдек шарафли меҳнатларингизга зафарлар тилаймиз.
Республика «Устоз» жамғармаси бошқаруви

БИЛИМ ЮРТИ ШОДИЁНАСИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан барча таълим муассасаларида қутлуғ айём шодиёналари давом этаётир.

Ана шундай тадбирларнинг бири Тошкент вилоят педагогика билим юртида ҳам бўлиб ўтди.

Бу ерда таҳсил олаётган ўзбек, қозоқ ва рус гуруҳлари талабалари байрам арафасида деворий газеталар танловини ўтказдилар. Эътиборлиси шуки, бу газеталарнинг аксарияти лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрланиб, кўпчилик диққатига сазовор бўлди.

Бўлажак тарбиячилар ва бошланғич синф ўқитувчилари билим юрти мажлислар залида барча ўқитувчиларни мусиқа садоси ила гулдасталар билан кутиб олишди. Байрамда билим юрти раҳбари Ниғмат Сайдуллаев барчани байрам билан табриклади.

Сўнг талабалар ижросида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Айниқса, ўзбек миллий рақсларининг қозоқ халқ қўшиқлари билан уйғунлашиб кетгани, рус гуруҳи талабаларининг «Ўқитувчилар ҳаётидан» тайёрлаган саҳна кўринишлари томошабинларда чуқур таассурот қолдирди.

Шу куни мазкур таълим масканида ёзилган байрам дастурхонига бу ерда илгари ишлаб кетган нафақадаги ўқитувчи-мураббийлар, меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Нур АЛИ

"ROSSI S.A."

O'ZBEK–BOLGAR QO'SHMA KORXONASI

жамоаси мамлакатимиз келажаги — ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаётган барча устозларни «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан самимий қутлайди !
Барчангизга Оллоҳдан узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.
Шундай қувончли айёмларда, муборак ҳайитларда, тўйларда дастурхонингизга ўз маҳсулотларимиз билан файз қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Congratulations

Ҳурматли Ўзбекистон Республикасининг ўқитувчилари ва мураббийлари!
Ўзбекистондаги АҚШ Тинчлик Корпуси Сизни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этади. Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб яшнаши учун қилаётган меҳнатингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.
Ўзбекистондаги Тинчлик Корпуси Маъмурияти

КАДРЛИ УСТОЗЛАР!

Сизларни 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами билан самимий қутлаймиз! Ёзги ишларингиз ҳамиша самарали бўлсин! Сиҳат-саломатлик, хуш кайфият ҳеч қачон Сизларни тарк этмасин!

Ўзбекистон Республикаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

ТАБРИК

Касб байрамингиз билан муборакбод этамиз қадрли мураббий ва муаллимлар! Миллат фарзандларини камолот сари бошлашингизда сизларга куч-қувват, мустаҳкам соғлик тилаймиз. Хонадонингиздан файзу барака аримасин.

«ФАЙЗ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси

МЕҲРИМ СИЗГА, ОТАЖОНИМ, УСТОЗИМ

Қулоғимга узоқдан элас-элас чалинаётган қўнғироқ овози қадамимни тезлатишга, юриб эмас, югуриб мактаб томон, ўқувчиларим ҳузурига шошилишга ундади. Кўзларим билан ўқувчилар сафидан қалбимга яқин ўқувчиларимни излайман. Улар мени кўришиб секин шивирлашади. Ўқитувчи сифатида жойимни эгаллайман.

Ҳаётимнинг ҳар тонги шу тахлит бошланади. Ҳар тонгни интиқлик билан кутаман.

Тизгинсиз хаёллар мени ўтмишга етаклайди...

26 ўқувчи қўл ушлашиб синфга кирдик. Ўқитувчимиз бизни парталарга ўтқизиб чиқдилар. Уша жойлашган ўрнимизни ўн йил эсдан чиқармадик. Мактабни битириш кечасида ҳаммамиз ўша тартиб бўйича яна қадрдон хонага йиғилдик. Ўн йил олдин кўп нарсага ҳайрон бўлиб боққан бўлсак, энди соғинч ва кўз ёш билан боқардик. Синфга ўқитувчимиз кириб келди. У киши бизни мустақил ҳаётга қадам қўйганимиз билан қутладилар. Кўзларида яширинган кўз ёшлар бизнинг кипригимизга кўчди. Ёшли кўзлар ҳаяжончулғаган қалбларни бир зум карахт қилди. Сўнгра эса ўзимизга бўйсунмаган оёқлар бизни ҳар томонларга бошлаб кетди...

Орадан йиллар ўтди. Бировимиз ўқитувчи, биримиз тиббиёт ходими, биримиз инженер, хуллас, ҳаммамиз бирор касб эгаси бўлиб қишлоққа қайтдик. Мен эса севимли мактабим бағрига, устозим - отам бағрига қайтдим.

Отажон, ҳар соат, ҳар дақиқада сизга интилиб, сизга ҳавас қилиб ўқитувчилик касбини танладим. Бугун сизни яна болаларингиз даврасида, ўқувчиларингиз орасида кўрдим. Уларни севиб-суюб қўшиқ ўргатардингиз.

Хотирамда, «Алифбе» байрамига тайёрланар эдик. «Ўқиш китоби» бўладиган қиз 2-3 кун келмади. Биз сизнинг хафа бўлганингизни сездик. Эртаси куни биринчи дарсда эшик очилди. Эшикдан юзлари қизариб, совуқдан қалтираб «Ўқиш китоби» кириб келди. Сиз унга «Тузалдингми?» дейишингиз билан у йиғлаб юборди. Уни пешонасидан ушлаб, дарров ўқитувчилар хонасига олиб кетдингиз. Танаффусда эса уни касалхонага олиб кетганингизни эшитдик. Бугун ўша ўқувчингиз ўқитувчи деб номланган шарафли касб эгасидир. Бугун у ҳам ўзининг ўқувчилари даврасида, у ҳам болалар севган муаллима.

Отажон, ўқувчиларингиздаги одамийлик, ширинсуханлик ва камтарликда сизнинг аксингиз бордай. Мана, сиз ўттиз йилдирки, Шофиркон туманидаги А.Дониш номли мактабда бошланғич синфларга дарс бериб келмоқдасиз. Элу юрт фарзандларига савод ўргатмоқдасиз. Мен юрагингизнинг бир парчаси сифатида сиздек муаллимнинг фарзанди эканлигимдан ғурурланаман. Оиламиздаги тўрт педагогнинг шу касбни танлашига сиз сабабчисиз. Синфингиздан ҳар йили 4-5 ўқувчи шу касбни танлаши бежиз бўлмаса керак.

Отажон, бугунги кунда ҳар бир ўқувчингиз номига айтилган раҳматлар сизникидир. Азиз устозим, сизни улуғ айёмингиз билан қутлайман. Ҳамиша етти фарзандингиз бахтига, ўқувчиларингиз бахтига соғ-омон бўлинг.

Наргиза ҚЎЛДОШЕВА,
Шофиркон туманидаги 1- гимназиянинг тил ва адабиёт ўқитувчиси

ТАЯНЧ ДАСТУРЛАРИ СИНАЛМОҚДА

Акмал Икромов туманидаги 20-«Ниҳол» болалар яслиси ва бошланғич таълим-тарбия Марказида ТШХТББнинг болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурини синовдан ўтказиш майдончаларининг тақдимоти бўлди.

Ясли мудираси Ирина Байсалова йиғилишни очиб, сўзни Узбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджоновга берди.

– Азиз мураббийлар, ҳурматли ҳамкасблар, - деди Й.Саиджонов, - болаларни мактабга тайёрлаш бўйича йиллар давомидаги тажрибалар мужассамлаштирилган ҳолда ягона дастур яратилди. У тажриба-синов майдончаларида синалаётир. Бугун 20-ясли ва БТТМнинг боғча гуруҳларида тажриба ўтказиляпти. Ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизларга омад тилайман.

Янги таянч дастур тақдимотида иштирок этган ТШХТББ бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедовалар сўзга чиқишиб, таълим-тарбияга эътибор кучайганлиги, бунинг учун шароит мавжудлиги, барча мудиралар шу маскандан ўрганиб, татбиқ этишга ҳаракат қилишлари, ҳар бир ишловчи тажриба жараёнида ўз фикр-мулоҳазасини билдириб, дастурни янада бойитиб бориши лозимлиги ҳақида тўхталдилар.

Анжуман иштирокчилари БТТМнинг боғча (кичик, ўрта, катта, тайёрлов) гуруҳларида болаларнинг эркин фаолиятлари - ижодий тафаккурни ўстирувчи ўйинлар, тўгарак ишлари - юмшоқ ўйинчоқлар, тикиш, шарқ ураши, компьютер сабоқлари билан шуғулланаётганликлари билан танишдилар.

Тақдимотда Тошкент шаҳар туманларидаги мактабгача таълим-тарбия муассасалари тарбиячилари томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар, болаларни ҳар томонлама ривожлантирувчи ўйинлар кўргазмаси намойиш қилинди.

«Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури»нинг синов натижалари психология фанлари номзоди, тажриба-синов ишларининг илмий раҳбари Муҳаббат Расулова раҳнамолигида ҳар чоракда текшириб борилади. Ўқув йилининг охирида якуний хулосалар чиқарилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

***

Ана шундай майдончалардан бири Чирчиқ шаҳридаги 31-болалар боғчаси қошида ҳам очилди. Шу куни меҳмонларни «Тарбиячи -98» танловининг ғолиби, ушбу боғча тарбиячиси Раҳима Усарова бошлаган тарбиячиларнинг фольклор гуруҳи дилрабо қўшиқларию миллий рақслари билан кутиб олдилар. Тадбирни вилоят ХТБ бошлиғи Олег Тожиев кириш сўзи билан очди.

Дастур муаллифларидан бири, Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ бўлим мудири Муҳаббат Расуловнинг таъкидлашича, синалаётган дастурнинг аввалгиларидан фарқи асосий диққат-эътибор тарбиячи фаолиятига эмас, балки бола шахсига, унинг нутқи, тафаккурини ривожлантиришга, маънавиятини шакллантириб, ҳар томонлама соғлом, жисмонан камол топтиришга қаратилганлигидадир. Шунингдек,бу дастур хориж услубиётчиларининг иш тажрибаси асосида тузилганлиги билан аҳамиятлидир.

Меҳмонлар мазкур боғчада олиб борилаётган ноанъанавий усулдаги машғулотларни томоша қилдилар. Айниқса, боғчадаги маънавият ва маърифат маркази, экология бурчаги, болажонларнинг кичик кутубхонаси, театр санъати хонаси, миллий ҳунармандчиликка оид кўргазма заллари меҳмонлар диққатига сазовор бўлди. Мурғак қалбларнинг ўз боғча опаси билан биргаликда хамир қориб, нон ёпишлари, рус гуруҳи тарбияланувчиларининг ўзбек тилида «Ур,тўқмоқ» халқ эртагидан парча курсатиши, мусиқа раҳбари бошчилигида саҳналаштирилган рақс-лар бу масканда таълим-тарбия ишлари жуда яхши ташкиллаштирилганидан далолат берди.

Н.УСМОНОВ

"DOZ-TUR LTD."

ЎЗБЕК — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Муҳтарам устозлар!

Келажаги буюк давлатимиз равнақига ўз билим ва маънавий камолотингиз билан ҳисса қўшаётганингиз кўпчилик қатори бизни ҳам доимо фахрлантиради. Чунки Ўзбекистонда миллий давлатчилик, миллий тарих ва миллий мафкурага асосланган янги жамият пойдевори Сиз азиз устозлар меҳнати билан мустаҳкамдир.

Шу табаррук Ватанда илм ўрганиб, жаҳонга устозлик қилган комил инсонларнинг бугунги авлодининг баркамол тарбия топиши йўлидаги ҳимматингиз янада баракали бўлсин. Сизга энг эзгу ниятлар тилаб қоламиз.

«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» барчангизга муборак бўлсин!

Oila va maktab - komillik ibtidosi

Байрамингиз муборак,азиз муаллим!

СИЗГА ТАЪЗИМДАМИЗ

Ҳаёт бўстонида боғбон бўлдингиз,
Илм, сабоқ аҳлига бўлдингиз сарбон,
Меҳр тўла қалбингиз гўёки уммон,
Айёмингиз қутлаб дилдан чалиб соз,
Хушвақт бўлинг, деймиз муаллим, устоз.

Митти қўлчаларга тутқазиб қалам,
Сирлардан этдингиз бизларни огоҳ,
Ҳаёт суқмоқлари равонмас бутам,
Эзгу ниятларни айлаб сарфароз,
Сизга таъзимдамиз муаллим, устоз.

Бу Турон юртининг қизу ўғлони,
Шайх бобо ўгитин тугиб дилга ёд.
Ўзга дастур айлаб Саъдий каломин:
«Ато меҳридин афзал жабри устод»,
Муборак номингиз айлашиб эъзоз,
Сизга таъзимдамиз муаллим, устоз.

Биринчи учрашув, дастлабки калом,
Илк бор сабоғингиз бўлди «Ассалом»,
Шунда жой олибди мурғак диллардан.
Табаррук, меҳрибон «Устоз» деган ном,
Қанчалар мадҳ айтсак дилдан шунча оз,
Исму шаънингизга муаллим, устоз.

Бовабой ЧАҚҚОНОВ,
мураббий

Xullas...

ҚЎЗИҚОРИН ИШҚИБОЗИ

Капинишкяй қишлоғи (Литва)да яшовчи Йонас Свирнялисни ҳамқишлоқлари қўзиқорин ишқибози дея тан олишган. У болалигидан бошлаб ўрмон кезади, ҳаттоки бошқалар бир дона қўзиқорин тополмаса ҳам, Йонас саватини тўлдириб қайтади.

«Летувос ритас» газетасида ҳикоя қилишларича, ўтган йили Йонас қўзиқорин сотиб, 7 минг доллар пул ишлаган. Бозорда бу маҳсулотнинг нархи жуда пасайиб кетган тақдирда ҳам у бир кунда 25 доллардан кам пул топган эмас.

Қўзиқоринлар Йонасга нафақат даромад келтирмоқда, балки соғлиғи ҳам тетиклашяпти. Мавсум бошланганда у ҳали ҳамма ширин уйқудалигида, яъни соат 3 да уйғониб ўрмонга отланади. Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жон қуйдирмасанг жонона қайда, деб шунга айтадилар.

ДАВОЛОВЧИ ТОШБАҚА

Иссиқ жонмиз, баъзида бошимиз оғриб туради. Бундай пайтлар айримлар ҳапдори ичишади, кимдир аччиққина чойни афзал кўради.

Кениядаги кикуйо қабиласи бош оғриғини тўхтатишда тошбақага мурожаат қилишади. Бунинг учун улар улкан тошбақанинг томоғи устида ярим соат ўтиришар экан.

Найроби шаҳридаги касалхонада «Доктор» лақабли тошбақа беморлар учун хизматда. Муолажа пайтида даволовчини махсус қозиққа бойлаб қўйишади, акс ҳолда юриб кетиши мумкин. Жонивор минглаб дардмандларга шифо бағишлаётганини, унинг томоғида ўтириш учун руҳхатга ёзилувчилар жуда кўп эканлигини билармикан?

БОЛАНИНГ КИЧИК «ОПЕРАЦИЯ»СИ

Вологдалик 7 яшар бола ҳам валюта операциясидан четда қолмади. Ота-онасидан арзимас нарсалар учун пул сўраганда, у нуқул дакки эшитарди...

Бола тижорат киоскига кириб, намунага қўйилган 1000 долларлик купюр (йирик пул қоғози) дан ҳеч кимга сездирмай нусха олди... Буяди, чизди, ишқилиб росмана пулга ўхшатди. Ва юраги ҳаприқиб магазинга кирди. Гангиб қолган сотувчи долларнинг сохта эканлигини сезса-да, уни «криминал» ҳолатга солмади. Яъни унинг қўлига арзимас нархдаги сақични узатди. На сўроққа тутди, на милиция чақирди.

Болаларнинг жиноятга қўл уришига аслида катталар сабабчи эмасмикан?

ana shunaqa gaplar...

РИВОЯТ

Бир куни Ҳазрат Алишер Навоий бир гуруҳ амалдорлар даврасида Ҳирот кўчаларидан ўтиб борарди. Чор-атрофдагилар хуштавозелик ила салом беришар, Ҳазрат барчасига бош иргаб алик оларди. Алоҳа, бирдан Амир Алишер чобуклик билан отдан тушдилар-да, йўл четида қўл қовуштириб турган ёш йигитча билан қучоқлашиб кўришдилар. У билан бир-икки дақиқа сўйлашгач, яна отга савор бўлиб, йўлда давом этдилар. Шунда ҳамроҳларидан бири:

-У йигит ким? Нечук у билан бунчалар иззату икром билан кўришдингиз? - деб сўради.

Навоий Ҳазратлари жавоб бердилар:

- Унинг падари бузруквори мадрасада менга сабоқ ўқимиш эди.

ҚЎШИҚ ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ

Таниқли санъаткор,Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан артист Абдулҳай Каримов билан суҳбат

-Абдулҳай ака, илк бор саҳнага чиқиб айтган қўшиғингизни эслай оласизми?

-Ўзингиз биласиз, водий халқи ниҳоятда санъатсевар халқ. Ҳар икки одамнинг бири ёшлигида ё шеър ёзади, ё қўшиқ айтади. Буни кўпинча водийнинг табиати билан ҳам боғлашади. Ундан ташқари Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Исроилжон Усмоновларнинг сеҳрли созларидан баҳра олиб ўсган ҳар қандай ўспирин ҳам келажакда санъаткор бўлишни дилига тугса ажаб эмас.

Бу воқеага ун беш йил ўтган бўлса ҳам, кечагидек эсимда. Ахир илк бор саҳнага чиқишнинг ҳаяжонларини унутиб бўларканми?

Ўшанда ўзимча қўшиқ айтиб, санъаткор бўлишни орзу қилиб юрган пайтларим эди. Қувадаги «Анор» дастасида ҳаваскор сифатида иштирок этиб юрардим. Бир куни дастамизнинг бадиий раҳбари ёш қўшиқчиларнинг қўриқтанловида қатнашишимизни айтиб қолди. Мен Муроджон Аҳмедовнинг Машраб ғазали билан айтиладиган «Ўртар» ашуласини ижро этдим. Энг юқори балл олибман. Шу танлов совриндори сифатида Бельгия, Голландия мамлакатларига ижодий сафарда бўлиб қайтдим. Сўнг Бутуниттифоқ ёшлари фольклор қўшиқлари танловида қатнашиб, олтин нишон билан тақдирландим. Шу-шу санъаткор бўлишни аниқ мақсад қилиб, Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирдим. Лекин айтаётган қўшиқларим кўнглимдаги туйғуларимни ифодалай олмаётганидан қийналардим.

-Хўш, қўшиқчиликда ўз йўлингизни қандай топиб олдингиз?

-Ишонасизми, ҳаммаси мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланди. Истиқлол шарофати ила халқимизнинг асрий орзуларини қалб дардини,Ватан мадҳини, умумиинсоний қадриятларимизни қўйлаш имкони туғилди. Турмуш ўртоғим Марҳабохон билан ҳамкорликда қўшиқлар ярата бошладик. «Тошкент», «Туркистонда», «Ўзингга шукр»,«Волидангни рози қил», «Бойчечагим»,«Марғилондан қиз олинг» каби янги қўшиқлар яратдик. Барномамдаги деярли барча қўшиқлар ана шу ҳамкорлигим маҳсулидир. Турмуш ўртоғим Марҳабохон — шоира. Фикру ўйимиз бир жойдан чиқади. Баъзан яратилажак қўшиқ ҳақида олдиндан фикрлашиб оламиз. «Болалар», «Ўзбекистон қизи-да», «Тўй бола» қўшиқларининг яратилиши ана шундай кечган.

-Ҳаммага бирдек манзур бўладиган куй-қўшиқ яратиб бўладими?

-Менимча, бу саволни «Тўй бола» қўшиғини назарда тутиб айтяпсиз шекилли. Тўғри, бу қўшиқ халқимизга жуда маъқул тушди. Негаки, бунга ҳаммада эҳтиёж бор эди. Айниқса тўйларга борганимизда бунга эҳтиёж сезиларди. Энди бевосита саволингизга қайтсак. Қўшиқни кўпчиликка манзур қилишнинг сири, энг аввало, соддалигу самимийлигида, халқнинг дилидаги туйғуларни ифодалай билишда деб тушунаман.

-Сиз катталар билан бир қаторда болаларга атаб ҳам талайгина қўшиқлар айтгансиз.Буни қандай изоҳлайсиз?

-Дунёга болалар кўзи билан қарасак, дунё кўзимизга жуда ҳам беғубор бўлиб кўринади, муъжизавий бўлиб кўринади. Болалар дунёсида яшаган одам ҳаётга, гулларга, қушларга, ҳар бир майсаю гиёҳга, замину осмонга фақат ижодкорона кўз билан нигоҳ ташлайди, маъсумлик билан муносабатда бўлади.

Ундан ташқари, болаларни қувонтириш менимча, катталарнинг энг олий мақсади бўлиши керак. Боланинг қувончига бефарқ қараб бўлмайди-ку, ахир! Ўзларига аталган қўшиқларни жуда катта қизиқишу-самимият билан қабул қилишади. Шунинг учун бўлса керак, уларга атаб қўшиқ айтиш мен учун ҳамиша мароқли.

-Қўшиқнинг тарбиявий кучига ишонасизми?

-Ҳар бир ишдан фаолиятдан кўзланган мақсад бўлади. Шу жумладан, қўшиқчининг ҳам ўз мақсади бўлиши лозим. Унинг мақсади оз бўлса-да, инсонни яхшилик, эзгуликка чорлашдир. Келажаги буюк давлат қуряпмиз. Шундай экан ишни болалардан бошлаш керак, деб ўйлайман. Уларни ватанга, ота-онага, меҳнатга муҳаббат руҳида ўстирсак, бу ижобий самара бериши шубҳасиздир. Айниқса, ёш мухлисларимиз катталар тилидан эшитган сўзларни, ижро этилган қўшиқларни тез илғаб қоладилар. Болаларимизни имонли, эътиқодли, ўзбекона руҳда тарбиялайдиган қўшиқларни кўпроқ ижро этишни дилимга тукканман.

-Устоз деган сўзга қандай қарайсиз? Санъатдаги устозларингиз кимлар?

-Халқимиз «устоз — отангдан улуғ» деб бекорга айтмаган. Бундан ошириб нима ҳам дея олардим. Устозлик масъулиятини у хоҳ мактабда, хоҳ ҳунарда ва хоҳ санъатда бўлсин, хуллас, қайсики жабҳада бўлмасин бир хил деб ҳисоблайман. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила

РУТБА

«Ҳадис» тафсилотларида битиладики, Абу Ҳурайра жаноби пайғамбаримиздан «Устоз - отангдан улуғ» каломини шарҳлаб беришни сўрабди. Шунда расулуллоҳ дебдилар:

-Ота фарзандни заминга туширган бўлса, устоз илмли қилиб, осмонга кўтарди. Бас шундай экан, устознинг рутбаси отадай улуғ.

QUTLOV

Азиз ва меҳрибон аяжонимиз - Муҳаббат НОРҚУЛОВА!

Сизни ва Сиз ишлаётган Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиларини 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.

Мустаҳкам соғлиқ, кўтаринки кайфият, касбий муваффақият доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Топган-тутганингиз яхши кунларга, дўсту ота-оналарингизга буюрсин.

Нормурод, Матлуба, Шоҳжаҳон ва Шаҳзод,
Тошкент шаҳри.



«УСТОЗЛАР МАДҲИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарийлар! Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган таниқли олим ва ижодкорлар номларини топиб, очқични ҳал этинг.

1. Ўрта аср қомусий алломаси Абу Али ибн Синога илк сабоқни ўргатган, замонасининг билимдон, устоз мураббийси - 8, 9, 10, 2, 7, 2, 4.

2. Илм-фаннинг турли соҳаларида ижод этган асарларида: «Ернинг Қуёш атрофида айланишидан фасллар ҳосил бўлади», «Ер юзида иқлимларнинг турлича бўлишига сабаб - Қуёш нурларининг турлича баландлик билан таъсир этишидир» дейишган кашфиётларни ёзиб қолдирган ватандошимиз бўлган қомусий олим - 13, 6, 19, 1, 2, 8, 2, 4.

3. «Қариликка қасида» асарини ёзиб қолдирган Х аср форс-тожик мумтоз шоири - 24, 23, 21, 6, 20, 2, 4.

4. Ўрта аср муаррихларидан бири, «Зафарнома» асари муаллифи - 22, 9, 1, 2, 4.

5. Ҳирот миниатюра мактабининг энг йирик намояндаси, Саъдийнинг «Бўстон» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларига чизилган ҳаётий, бетакрор тасвирлар муаллифи мумтоз мусаввир - 5, 16, 12, 11, 9, 21.

6. Ҳиндистонга илк бор Ғарбдан - Ҳинд океани орқали кемада сузиб борган сайёҳ, олим «Ҳиндистон сафарномаси» асари муаллифи бўлган ватандошимиз - 17, 6, 1, 6, 24, 14, 6, 8, 21, 2, 4.

7. «Ҳумоюннома» тарихий асарини ёзиб қолдирган, ўрта аср Шарқидаги ягона тарихчи аёл, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи - 15, 23, 7, 5, 6, 21, 6, 8, 5, 16, 15, 2, 1.

8. Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири, янги усулдаги, замонасининг мактаблари учун дарсликлар ёзиб қолдирган маърифатпарвар - 1, 23, 8, 6, 18, 18, 6, 24, 14, 9, 24, 2.

9. Элементар ва олий математика бўйича ўзбек тилидаги биринчи дарслик тузган атоқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби - 14, 9, 24, 2, 8, 2, 3, 11, 2, 4.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ечинг. Ундан Шарқ донишманди Бузургмеҳрнинг ибратли сўзларини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузган

Sport maydoni

ШАҲМАТЧИЛАР ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда Республика шахмат федерацияси кубоги учун бўлган очиқ шахмат фестивали ниҳоясига етди. Республикамиз барча вилоятларидан ҳамда Жанубий Қозоғистондан иштирок этган 130 нафар шахматчидан гулистонлик Р.Курбетдинов эркаклар, Э.Каримов фахрийлар ва И.Барковская аёллар ўртасида ғолиб деб топилди.

БРОНЗА БИЛАН ҚАЙТДИ

Барча қитъаларнинг энг кучли енгил атлетикачилари иштирок этган, ЖАР пойтахтида ўтказилган Жаҳон кубоги баҳсларида ҳамюртимиз, тош улоқтириш бўйича олимпия ўйинлари ва икки карра жаҳон чемпиони А.Абдувалиев тошни 79 метр 42 сантиметр масофага улоқтириб, бронза совринига эга бўлди.

ЖАҲОНДА ИККИНЧИ БЎЛДИ

Истамбулда 56 мамлакат иштирокида таэквандо бўйича бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида ҳамюртимиз Рашид Аҳмедов (59 кг) озарбайжонлик, грециялик, иорданиялик ва югославиялик спортчилар устидан ғалаба қозониб, финал босқичига кўтарилди. АҚШлик рақиби билан бўлган беллашувда эса омад унга кулиб боқмади ва у кумуш совринга эга бўлди.

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ МИНТАҚАВИЙ ЎТКАЗИЛАДИ

Сиднейда 2000- йили бўлиб ўтадиган Олимпиаданинг саралаш баҳсларига ҳам қурра ташланди. Унинг натижасига кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси яқин қўшнилари — Қозоғистон,Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон футболчилари билан бешинчи саралаш гуруҳида майдонга тушадилар.

СУМО – СПОРТНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Ўзбекистонда сумо федерацияси ташкил қилинганидан буён, унга машҳур «Агроплюс» фирмаси ҳомийлик қилмоқда. Яқинда Япония миллий спортининг ана шу тури бўйича Осакада бўлиб ўтган Осиё биринчилигида юртимиз вакили Ш.Тўраев (85кг) кумуш совринни қўлга киритди. Яқин кунларда сумо халқаро олимпия қўмитаси ташаббуси билан олимпия ўйинлари дастурига киритилса ажаб эмас.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Алишер НАЗАРОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.30. Г. 123456
Босишга топшириш вақти 20.00. Топширилди 03.15